

Миллий кутубхонада UNESCOнинг Ўзбекистондаги фаолиятига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистоннинг UNESCOга аъзо бўлган кунга бағишланган китоблар кўргазмаси очилди.

Кўргазмада UNESCO нинг Ўзбекистондаги фаолиятига доир китоблар, журналлар ва фотосуратлар жой олган. Бу соғлиқни сақлаш, оналик ва тугилишлар, бола ҳуқуқи, инсон ривожланиши омиллари, табиат муаммолари, иқтисодиёт, фан ва маданият ютуқларига, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасига бағишланган китоблардир. Кўплаб китоблар орасида кенг миқёсда бўлиб ўтган анжуманларнинг маърузалар тўпламлари ҳам бор.

Ўзбекистон мазкур ташкилотга 1993 йил 23 октябр куни аъзо бўлган. Ўзбекистондаги UNESCO ваколатхонасининг мақсади - таълим, фан, маданият соҳаларига тегишли бўлган масалаларни ва Ўзбекистондаги БМТ тизимининг тадбирларини режалаштиришни ва амалга оширишни таъминлаш; фондларни жалб қилиш; Ўзбекистонда UNESCO ишлари бўйича миллий комиссия, миллий ва халқаро ҳамкорлар билан яқиндан фаолият олиб боришдан иборат.

Кўргазмага ташриф буюрган фойдаланувчилар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ўзлари учун керакли бўлган янги маълумотларга эга бўладилар.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси матбуот хизмати